

“ЖОРИЙ ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ”

Холиқова Дурдона

“UNIVERSITY OF MANAGAMENT AND FUTURE TECHNOLOGIES”
Университети “Рақамли иқтисодиёт ва молиявий технологиялар” кафедраси
ассистенти

Аннотация

Миллий иқтисодиётдаги сўнги ўзгаришлар молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро қабул қилинган стандартлар ёки тажрибалар асосида амалга ошириш заруратини келтириб чиқармоқда. Жорий активларга тегишли олинадиган счётларни савдо ва носавдо тавсифларга ажратилган ҳолда бухгалтерия балансида акс эттириш бу борадаги аҳамиятли тадбирлардан биридир.

Калитли сўзлар: Олинадиган счёт, олинадиган счётлар – жорий қисм, дебитор қарз, савдо дебитор қарз, носавдо дебитор қарз, жорий актив, бухгалтерия баланси.

Ўзбекистон Республикасида корхоналар бухгалтерия ҳисобини МҲҲС асосида ташкил этиш ҳамда молиявий ҳисоботни МҲҲС асосида тайёрлаш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 феврал №ПҚ-4611 Қарорида мазкур масала бўйича бажариладиган вазифалар ва амалга ошириладиган тадбирлар аниқ белгилаб берилган. Республикада бу борада қатор ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Бундан мақсад хорижий ва барча бошқа ҳамкорлар учун ахбороти тушунарли бўлган молиявий ҳисоб ва ҳисобот тизимини шакллантиришдир. Бу эса, мамлакатда инвестицион муҳитни янада яхшилаш йўлидаги энг муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Олинадиган счётлар - жорий қисми молиявий ҳисоб ва ҳисоботда муҳим объект саналади. Бизнес қарорларини қабул қилишда олинадиган счётлар - жорий қисми тўғрисидаги ахборотлар аҳамиятли ўринга эга. Бироқ, илмий тадқиқот ўтказиш жараёнларида миллий ҳисоб тизимида олинадиган счётлар - жорий қисми ҳисоби ва ҳисоботида оид сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмаганлиги маълум бўлди. Шунингдек, бу борада қатор камчиликлар мавжудлиги ҳам аён бўлди. Буларнинг барчаси корхоналар бухгалтерия ҳисобида

олинадиган счёталар - жорий қисми МХХС асосида ташкил этиш ҳамда молиявий ҳисоботда улар тўғрисидаги ахборотларни МХХС асосида тайёрлаш ишларига жиддий таъсир қилмоқда. Айтиб ўтилган сабабларга кўра олинадиган счёталар - жорий қисми ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар ҳамда халқаро тажрибалар асосида тайёрлаш ҳамда тақдим этиш борасида ўз тақлифларимизни баён этамиз.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича соҳага оид миллий адабиётларда олинадиган счёталар – жорий қисм ҳисоби ва ҳисоботига оид фикрлар деярли бир хил мазмун ва тартибда берилган.

МДХ мамлакатлардаги бухгалтерия ҳисоби соҳасининг етакчи олимларини олинадиган счёталар – жорий қисм ҳисоби масаласидаги фикрлари республикамиз олимларининг фикрларидан жиддий фарқ қилмайди.

Бироқ, сўнгги йилларда мамлакатимиз олимлари Б.Ҳакимов М.Юнусов, У.Холмирозев [10], Б.Бўронов [11] миллий ҳисоб тизимида молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда олинадиган счёталар – жорий қисм ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳамда бу борадаги халқаро тажрибалардан фойдаланиш тўғрисидаги қатор аҳамиятли фикрларини билдирганлар.

Таъкидлаш керакки халқаро тажрибаларга кўра корхоналардаги олинадиган счёталар – жорий қисми савдо ва носавдо тавсифга кўра ажратилиб ахборотлар шакллантирилади. Бу борада кўплаб адабиётларда аҳамиятли фикрлар билдирилган [8, 9].

БХХС нинг “Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси” да умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботнинг мақсади - ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъектига ресурсларни ажратиш бўйича қарорларни қабул қилишда мавжуд ва потенциал инвесторлар, кредиторлар ва бошқа қарз берувчи ташкилотлар учун фойдали бўлган ушбу тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги молиявий ахборотни тақдим қилишдан иборат, деб тушунтириш берилган [3].

Бу кўрсатма молиявий активларнинг таркиби бўлган олинадиган счёталар – жорий қисм ҳисоби ва ҳисоботига ҳам тўла маънода тегишлидир. Демак, олинадиган счёталар – жорий қисм тўғрисидаги ахборотлар ҳамкорлар нуқтаий назаридан ҳам ўрганилар экан. Худди шу жиҳатдан, олинадиган счёталар – жорий қисми савдо ва носавдо тавсифидан келиб чиқиб ҳисоботларда акс этириш ҳамкорлар учун бу борада фойдали ва сифатли ахборотлар беришда ўта муҳим манба ҳисобланади. Бу борада биз қуйидаги тақлифларимизни билдирамиз.

Жадвал

**Олишга тегишли счётларнинг бухгалтерия балансида акс
этиришининг таклиф этилаётган модели¹**

Кўрсаткичлар номи	Сатр рақам и	Ҳисобо т даври бошиг а	Ҳисобо т даври охириг а
АКТИВ			
Олишга тегишли қарзлар, жами (220+260+310)	210		
Шулардан: Олишга тегишли қарзларни муддати ўтган қисми	211		
Савдо дебиторлик қарзлари, жами (230+240+250)	220		
Харидорлар ва буюртмачиларнинг савдо дебиторлик қарзлари, даргумон қарзлар бўйича резерв суммаси айрилган ҳолда (4100 - 4900)	230		
Шерик ёки боғлиқ тавсифидаги корхоналарнинг (Шўъба, қарам жамиятлар) савдо дебиторлик қарзлари (4120)	240		
Векселлар бўйича савдо дебиторлик қарзлари (4020)	250		
Носавдо дебиторлик қарзлари, жами (270+280+290+300)	260		
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	270		
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар ҳамда мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4400, 4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари (4600)	290		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4300, 4700, 4800)	300		
Алоҳида бўлинмаларнинг қарзлари (4110)	310		

Олинадиган счётлар – жорий қисмини савдо ва носавдо таснифларга бўлишни амалий зарурати бор ва унинг аҳамияти бизнес фаолиятида ўз ўрнига эга деб ҳисоблаймиз.

Савдо дебитор қарзлар моддаси – корхонадан одатдаги бизнес фаолияти бўйича маҳсулотларини, иш ва хизматларини кредит асосда сотиб олган юридик ёки жисмоний шахслардан сотиб олинган товарлар, ишлар, хизматлар учун олишга тегишли пул суммаларини кўрсатиб беради.

Носавдо дебитор қарзлар бўйича олишга тегишли счётлар гуруҳида савдо дебитор қарзлар гуруҳ таркибига кирмайдиган, яъни носавдо тавсифига эга бўлган олишга тегишли қарзларни акс эттиришга тайинланган. Мисол учун, ходимларга олдиндан берилган аванслар, қарзлар, олишга тегишли солиқ ёки суғурта тўловлари кўрсатилади.

Мавзу бўйича хулоса қилиб айтиш мумкинки, таклиф натижасида, биринчидан, корхоналарнинг бухгалтерия балансида олишга тегишли счётлар – жорий қисми таркиби мантиқий кетма-кетликда жойлашиши таъминланади. Бу жойлашув иқтисодий муносабатларда олинадиган счётлар бўйича фойдаланувчиларга зарур бўлган ахборотларни шакллантириш ҳамда тақдим этиш имконини беради.

Иккинчидан, олинадиган счётлар – жорий қисм бўйича миллий молиявий ҳисоб ва ҳисоботни шакл ҳамда мазмуни бу борадаги ривожланган хорижий амалиёт билан мувофиқ келишига эришилади. Бу натижа, ҳам хорижий, ҳам миллий молиявий ахборотдан фойдаланувчилар учун жуда зарурлиги билан катта аҳамият касб этади.

Учинчидан, миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимида олинадиган счётлар бўйича шакллантирилган ҳамда тақдим этиладиган ахборотлар фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан амалга оширадиган мутахассислар учун аниқ ва тушунарли бўлишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2020 йил 24 феврал, №ПҚ-4611: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. <https://lex.uz/docs/4746047>

2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоботлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда

1181-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. <https://www.lex.uz/docs/809350>

3. БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”

4. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.:“Шарқ”, 2004.

5. Очилов И.К., Темирханова М.Ж. Финансовой учёт.-Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2021.

6. Гетьман В.Г., Керимов В.Э., Бабаева З.Д., Неселовская Т.М. Бухгалтерский учет. Учебник.-М.: Инфра-М, 2012.

7. Иванова, Людмила Ивановна. Анализ финансовой отчетности: учебное пособие / Л.И. Иванова, А.С. Бобылева. –Москва; КНОРУС, 2018.

8. Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfield. INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 2004.

9. Barry Elliott, Jamie Elliot. Financial Accounting and Reporting, 18th edition. Pearson. 2018. UK.

10. Б.Хакимов, М.Юнусов, У.Холмирзаев. Бухгалтерия баланси маълумотларини халқаро талаблар асосида шакллантириш – давр талаби. Biznes-Эксперт.//2019. №7. 40-43 б.

11. Б.Ф.Бўронов. Корхоналар молиявий активлари ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартларига мувофиқлаштириш. Монография. СамДҶТИ нашр-матбаа маркази. 2020 йил. 154 бет.